Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 30 август, сешанба № 135 (21.739). Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган кунинг уч йиллиги муносабати билан Сизни самимий қутлаб, мамлакатингизга фаровонлик ҳамда халқингизга бахтли ҳаёт тилайман.

Германия мамлакатингизда ўтказилаётган ислоҳотларни ҳайрихоҳлик ва қизиқиш билан кузатиб турибди. Ўтган бир йил мобайнида Германия билан Ўзбекистон халқлари ва муассасалари ўртасида турли соҳалар бўйича ўрнатилган алоқалар анча мустаҳкамланди. Мамлакатларимиз ва халқларимиз равнақи йўлидаги ўзаро муносабатларимиз бундан буён ҳам ривожланиб бораверишига ишончим комил.

Роман ҲЕРЦОГ,
Германия Федератив Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноб, Президент!

Биз, Вашингтон университетининг 1994 йилда Ўрта Осиё тиллари ва маданиятини ўрганиш ёзги дастури муаллим ва талабалари Сизни ва қадим ўзбек халқини улуғ байрам — Мустақиллик куни билан чин юракдан табриклаймиз.

Ўзбекистон ҳақли равишда жаҳон маданиятининг ўчоқларидан саналади. Ўзбекистоннинг ўзига хос йўли борлиги жуда улуғ ишдир. Чунки бировлар йўли билан эмас, ўз йўли, ўз кучи билан олға юриш муҳимдир. Ўзбекистон дунёда ўзига муносиб ўрин эгаллашига ишонамиз.

Уч йил — ғоят қисқа муддат. Ўзбек халқининг эса ўзоқ ва шарафли тарихи бор. Сизларда Ғарбдан илгарироқ демократия мавжуд эди. Жумҳурият Президентининг «Маҳалла» деб ном олган қадимий ижтимоий жамоа шаклини кучайтирадиган тадбирлар белгилагани бизга жуда маъқул бўлди. Инсоният тарихида бундай ижтимоий жамоа жуда ноёбдир. Оврупо ва Америка ҳам ундан ўрнак олса арзийди. Чунки, у одамларни бирлаштиради ва эзгуликка чорлайди.

Ўзбек тилини ўрганаётган биз, америкаларнинг дилимизда қадимий Ватанингизга нисбатан эзгу тилаклар бисёр. Биз ўзбек халқининг тарихи, тили, маданияти ва санъатига қизиқамиз. Шоир ва олимлар ҳаётини ўрганиш ниятидамиз. Айни чоғда ўзбек адабиёти намуналарини таржима қилиш истагимиз ҳам бор.

Шундай қутлуғ кунда ўзбек халқига қалб сўзларимизни изҳор этмоқдан ғоят хурсандмиз. Ўзбек халқи мустақил, ҳур, ўз динига ва ижтимоий урф-одатларига содиқ давлат сифатида мангу собит туради, деб умид қиламиз.

Сиэтлдаги Вашингтон университети Ўрта Осиё тиллари ва маданияти ёзги дастурининг бир гуруҳ муаллим ва талабалари.

БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК

29 август куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллиги кунининг уч йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, ташкилот қўмитасининг раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда байрам муносабати билан қурилиш, ободонлаштириш ишларининг, 31 август ва 1 сентябрь кунлари мамлакатимиз пойтахтида ўтадиган байрамнинг маданий тадбирларига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Тегишли ҳокимлик, вазирлик ва ташкилот раҳбарларининг шу ҳақдаги ахбороти тингланди.

Серқуёш диёримизда мустақиллик кунига қизғин ҳозирлик кўрилаётгани, бу тайёргарлик ўзининг сўнгги палласига киргани, улуғ айёмни юксак савияда ўтказиш учун жойларда кўп ишлар қилингани таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам, улуғ айём арафасида айниқса Тошкент ҳар қачонгидан ҳам файз, гўзаллик, унинг кўчалари ва хиёбонлари ўзгача тароват касб этди. Хусусан, шаҳарнинг Амир Темур ва Мирзо Улуғбек хиёбонларида амалга оширилган ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари кўзни қувонтиради.

Мажлисда Ўзбекистон Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. Бугров, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосарлари Р. Юнусов, М. Шарифхўжаев, М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, Тошкент вилояти ҳокими М. Икромов қатнашди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

29 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастурининг Европа ва ҳамдўстлик мамлакатлари департаменти директори Антон Круидеринкни қабул қилди.

Суҳбатда БМТ билан Ўзбекистон ўртасида тобора ривожланаётган кўп томонлама ҳамкорлик муносабатлари атрофлича муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳаллий мутахассислар тайёрлаш, ишбилармонликни ҳамда хусусий секторни ривожлантириш, хусусийлаштиришни жаҳон талаблари асосида амалга ошириш ва атроф-муҳит муҳофазасини яхшилашда техникавий ёрдам кўрсатиш борасидаги дастурларини маъқуллади.

Антон Круидеринк самимий қабул учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар тез орада ривож топишига умид билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў. Султонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик иштирок этди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

РЕСПУБЛИКАДА ВАЛЮТА БОЗОРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ихтисослаштирилган валюта алмаштириш пунктлари ишининг натижалари республикада валюта бозорини шакллантиришнинг танланган йўналишлари тўғрилигини тасдиқламоқда. Миллий валютани ички эркин муомаладаги валютага алмаштиришга босқичма-босқич ўтиш учун зарур замин яратилди, бошқа мамлакатларнинг ижобий тажрибаси ҳисобга олинди.

Шу билан бирга эркин алмаштириладиган нақд валютани алмаштириш операцияларини ўтказиш ҳуқуқининг фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банкининг ихтисослаштирилган пунктларига берилиши валютани алмаштиришнинг ресурс базасини торайтиради, банк тизими имкониятларини чеклайди.

Баён этилганлардан келиб чиқиб ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмашинувини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 21 июлдаги 379-сон қарорини ҳисобга олиб Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вакил қилинган тижорат банкларига 1994 йил 1 сентябрдан бошлаб жисмоний шахсларнинг нақд «сўм»ларини белгиланган тартибда ўзларида мавжуд бўлган валюта ресурслари доирасида эркин муомаладаги валютага алмаштиришни амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вакил қилинган банкларга, уларнинг тайёрликларига кўра, нақд «сўм»ларни ЭМВга алмаштириш бўйича ихтисослаштирилган пунктларни очишга рухсатномалар берсин.

3. Вакил қилинган банкларга хорижий валютага бўлган талаб ва таклифни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курсини ҳисобга олиб ихтисослаштирилган алмаштириш пунктларида алмаштириш курсини мустақил белгилашга рухсат этилсин.

4. Вакил қилинган банклар ихтисослаштирилган алмаштириш пунктларининг самарали ишлашини ташкил этиш учун мижозлар доирасини кенгайтириш ва юридик ҳамда жисмоний шахслар счётларига эркин муомаладаги валютани жалб қилиш йўли билан валюта ресурсларини кўпайтириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вакил қилинган банкларнинг валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги норматив ҳужжатларга риоя қилишлари, шунингдек, мижозларга зарур шароитлар яратилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Вакил қилинган банклар ўтказилган валюта алмаштириш операциялари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ҳар ойда ҳисобот тақдим этсинлар.

Кўрсатиб ўтилган шартларга риоя этилмаган тақдирда Марказий банк тижорат банкларини ЭМВ билан алмаштириш операцияларини ўтказиш ҳуқуқидан маҳрум қилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф. М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1994 йил 27 август.

ИСТИҚЛОЛНИ ШАРАФЛАБ

Мана, халқимиз орзиқиб кутган дамлар ҳам етиб келди. Озод ва обод Ватанимиз — Ўзбекистонда истиқлолимизнинг уч йиллигига бағишланган тадбирлар бошланиб кетди. Чунончи, кеча Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Акмал Икромов туман кенгаши партиямиз фаолларини, бошланғич ташкилотлари котибларини, корхона ва муассасаларнинг вакилларини, фахрийлар, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотларининг намоёндаларини бир пиёла чойга таклиф қилди.

Партиямиз туман кенгашининг биринчи котиби Ш. Ёқубов йиғилганларни қутлуғ айём билан муборакбод этди. Мустақилликнинг уч йили мобайнида мамлакатимиз, пойтахтимиз ва туманда ажойиб ўзгаришлар юз берганлигини, уларда Ўзбекистон ХДП аъзоларининг ҳам ҳиссаси борлигини таъкидлаб, олдинда турган вазифаларга тўхталиб ўтди. У, шунингдек, ХДП аъзолигига янги кирган ўртоқларга партия билетларини топширди.

Маросимда фаоллардан бир гуруҳига Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Хушовоз хонанда, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Юлдуз Усмонова, тумандаги маданият масканларининг санъаткорлари дилрабо куй ва қўшиқлари билан меҳмонларни мамнун қилдилар.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов, Тошкент шаҳар партия кенгаши иккинчи котиби В. Медведев қатнашдилар.

ЎзХДП МК матбуот маркази.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Марказий банки хабар қилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮБИЛЕЙ ТАНГАСИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигини нишонлаш юзасидан 1994 йил 1 сентябрдан ҳар бирининг қиймати 10 сўмлик иккита юбилей тангаси муомалага чиқарилади.

Оқ рангдаги, қиймати 10 сўмлик юбилей тангаси Ag 99,9 пробали, вазни бир унция — 31,103 граммдан иборат кумушдан тайёрланган. Сариқ рангдаги юбилей тангаси мис-никел қотишмасидан тайёрланган бўлиб, Au 99,9 пробали олтин (10 миллиграмм) билан қопланган, вазни 28,28 граммдан иборат.

Юбилей тангалари диаметри 38,6 миллиметрли доира шаклида бўлиб, юз ва орқа томонида

айланасида бўртиқ ҳошия бор.

Юбилей тангаларининг юз томонида Амир Темурнинг Тошкент шаҳрида ўрнатилган ҳайкали тасвирланган, юқори қисмида «TOŞKENT» ёзуви бўлиб, икки томонидан нуқта билан ажратилган. Қуйи қисмида ҳайкал айланаси бўйлаб «AMIR TEMUR HAYKALI» ва «10 SÖM» ёзувлари бор.

Юбилей тангаларининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири жойлашган, «ÖZBEKISTON MUSTAQILLIGININ 3 YILLIGI» ва «1994» ёзуви бор. Танганинг бутун айланаси бўйлаб нақш солинган.

Юбилей тангаларининг бўртган қисмлари тарамтарам чизиқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан муомалага чиқарилаётган юбилей тангалари чекланган миқдорда бўлиб, нумизматик қийматга эга ва ким ошди савдоси орқали ўз қийматидан юқори нархларда сотилади.

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

Ўзбекистон меҳнаткашлари кимё саноати ва алоқа ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмиталари мурожаатини қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги шарафига умумхалқ ҳашари ўтказдилар. Шу куни ишлаб чиқариш участкаларида, шаҳарлар, қўрғонлар ва қишлоқларда 4 миллион киши ҳашарда иштирок этди, 6 миллион 28 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Ҳашарда ишлаб топилган маблағнинг 3,5 миллион сўмдан кўпроғи эҳтиёжманд кишиларга адресли моддий ёрдам кўрсатиш учун бошланғич касаба ташкилотларининг жорий счётларига ўтказилди. Қолган маблағлар «Болалар», «Экосан», маҳалла қўмиталари жамғармалари ҳисобига ўтказилди.

Умумхалқ ҳашарида кимё саноати, энергетика ва электр техникаси саноати, коммунал-маиший ва маҳаллий саноат, автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари айниқса фаол иштирок этдилар.

Республикада амалга оширилаётган йўлни қўллаб-қувватлаб, меҳнаткашлар мамлакатимизнинг снёсий ва иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун курашда бирдам эканликларини намоён этдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси матбуот шўъбаси.

ИШЧИ ЎРИНЛАРИ БОЗОРИ

● **СИРДАРЁ (мухбиримиздан). Боёвут вилоятнинг аҳолиси зич туманларидан. Иқтисодий ислоҳотлар даврида ишсизликнинг пайдо бўлиши табиий. Буни ҳисобга олган туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими ишчи ўрни ярмаркасини ташкил этди.**

Бу тадбирга пухта тайёргарлик кўрилди. Айниқса, ишчи кучларига муҳтожлик сезаётган «Турон» пахта тозалаш заводи, 50-махсус қурилиш ташкилоти, туман таъмирлаш-қурилиш бошқармаси, «Тараққиёт» ва «3-Боёвут» хўжаликлари ярмаркада фаол қатнашмоқдалар. Бу ерда кичик корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам очилди. Хайрли ҳаракат беҳуда кетмади. 27 нафар киши тегишли ташкилотларга иш сўраб мурожаат этди. Шулардан 12 нафари шу куниёқ шартномалашиб олди. Илгари ишчи ўринлари ярмаркаси вилоятнинг Гулистон, Янгиер шаҳарларида ташкил этилган эди. Боёвутликлар бундай хайрли ишга туманлараро биринчи бўлиб қўл уришди. Ҳозир Сирдарё ва Ховос туманларида ҳам ана шундай ўзига хос ишчи ўринлари бозорини ташкил этишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Абдужалил УМАРОВ.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

Эртага, 31 августда Ватанимиз пойтахти — Тошкентда мустақиллик байрамига марҳамат!

Ўзбекистоннинг бош майдони — Мустақиллик майдонида:

мустақиллигимизнинг муборак уч йиллигига бағишланган улкан шодиёнани ўтказиш учун бағри кенг томошагоҳ қад кўтарган.

Байрам шодиёнаси ёш мамлакатимиз истиқлоли ва куч-қудрати, бугунги жўшқин қиёфасини тараннум этиши билан бирга баркамол маданиятимиз ва санъатимизни ҳам кўз-кўз этади.

1994 йил ўзбек халқининг улуғ олими ва астрономи Мирзо Улуғбек, қатағон қурбони адиб Абдулла Қодирий таваллудлари :мустақиллик байрами шодиёналари билан ҳамоҳанг бўлмоқда. Улкан саҳнада ана шу икки улуғ зот — боболаримиз сиймоси гавдаланади. Мустақиллик байрами шодиёналари санъатимиз юлдузлари билан бир қаторда барча вилоятлардан бадиий ҳаваскорлар иштирок этишади.

1 СЕНТЯБРЬ,
Мустақиллик майдони:
соат 10.00 дан 21.00 гача

Бу ерда эрта тонгдан байрам сайиллари бошланиб кетади. Тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари учун дошқозонлар қайнайди, байрам дастурхонлари ёзилади. Халқ амалий санъати кўргазмаси, миллий спорт ўйинлари мусобақалари уюштирилади.

Катта саҳнада. Муҳиддин Қорн Ёқубов номли Ўзбекистон давлат филармониясининг «Шодлик», «Зарафшон», «Лазги», уйғур ансамбли каби барча етук жамоалари, дунёга донғи кетган хонандаларию раққосалари кеч соат 18.00 га қадар халқ хизматида бўлишади.

Кечқурун соат 18.00 дан 21.00 га қадар ушбу саҳнада миллий маданий марказларнинг театрлашган байрам концертлари эътиборингизга ҳавола этилади.

Кичик саҳнада. Тошкент шаҳар касаба уюшмалари маданий марказининг таниқли эстрада гуруҳлари ва яккочиларининг ҳамда иқтидорли ҳаваскор бадиий жамоаларининг театрлаштирилган концертлари намойиш қилинади. Кеч соат 18.00 дан 21.00 га қадар Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги қошидаги халқ ашула ва рақс ансамбли санъаткорларининг ранг-баранг дастури қавола этилади.

Соат 21.00 да байрам мушакбозлиги бошланади.

Анҳор бўйи ҳиёбони:
соат 10.00 дан 18.00 гача

Байрам куни Анҳорнинг Мустақиллик майдонига туташ ҳиёбонлари ҳам шаҳарликлар билан гавжум бўлади. Бу ерлар шаҳарнинг ўн бир тумани ихтиёрига берилиб, умумий овқатланиш шохобчалари қатори ҳар бир туман ўз саҳнасини ҳам қуради ва у ерларда халқ ижодиётининг ранг-баранг турлари намойиш этилади.

Халқлар дўстлиги майдони:
соат 10.00 дан 19.00 гача

Бу ерда савдо расталари эрта тонгдан хизмат қила бошлайди. Турли спорт ўйинлари уюштирилади. Сарой олдидаги катта саҳнада дунёга донғи кетган «Баҳор» Давлат халқ рақс ансамбли, Ўзбекистон давлат эстрадасининг машҳур жамоа ва таниқли хонандалари кечга қадар хизматингизда бўладилар.

Ўзбекистон миллий боғи:
соат 10.00 дан 18.00 гача

Бу ерда эрта тонгдан катта халқ сайли ўтказилади. Боғ узра барпо этилган тўртта саҳнада Тошкент шаҳридаги энг етук ҳаваскорлик бадиий жамоаларининг концертлари кечгача давом этади. Турли аттракцион ўйинчоҳлар хизматингизда бўлади.

Алишер Навоий ёдгорлиги майдони:
соат 10.00 дан 18.00 гача

Алишер Навоий ҳайкали пойига жойлашган саҳнада Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг машҳур бадиий жамоалари, етук хонандаю навозандалари ранг-баранг дастурлар билан чиқишади. Дорбозлар гуруҳлари, миллий спорт ўйинларининг усталари ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Ҳадра майдони:
соат 10.00 дан 18.00 гача

Қадимий Тошкентнинг энг машҳур жойларидан бўлмиш ушбу майдонда ҳам оммавий халқ сайли ўтказилади. Дам олувчилар учун барча қулайликлар яратилади. Республика ёш томошабинлар театри, цирк ва Ўзбекистон давлат эстрадасининг бадиий жамоалари, машҳур эстрада гуруҳлари, қизиқчилар, хонандалар хизматингизда бўладилар.

Алишер Навоий театри майдони:
соат 10.00 дан 18.00 гача

Мазкур майдон анъанага кўра эрталабдан тўлалигича болажонлар ихтиёрига берилади. Унда Тошкент шаҳридаги ўқувчи-ёшлар уюшмаларининг бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўз санъатларини намойиш этадилар.

Турли ёшдаги болалар кўргазмалари, танловлари, ўйинлари ўтказилади. Республика Давлат қўғирчоқ театри кун давомида ўзининг энг яхши спектакларини азиз болажонларга намойиш этади.

Амир Темур хиёбони ва Сайилгоҳ кўчаси:
соат 10.00 дан 21.00 гача

Бу ерда сиз азизлар учун кун бўйи ўзбек миллий таомларининг савдо кўргазмаси ўтказилади. Маданий ишлар дастурида Ўзбекистон давлат телерадиокомпаниясининг машҳур жамоа ва санъаткорлари, бадиий ҳаваскорлик, фольклор ва эстрада жамоалари ўз санъатларини намоён этадилар. Машҳур спортчилар кўргазмали чиқишлар қиладилар.

«Туркистон» саройининг ёзги биноси:
соат 19.00 дан 21.30 гача

Мустақиллик байрамининг уч йиллигига бағишлаб японнялик ва ўзбекистонлик машҳур санъат усталарининг ҳамкорликдаги театрлашган байрам концерти намойиш этилади.

ЭНГ ҚУТЛУҒ КУН

Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. ТУЛАГАНОВ билан суҳбат

— Козим Носирович, пойтахт Тошкент шаҳри меҳнат жамоалари байрамга қандай тайёргарлик ва туҳфалар билан келишмоқда?

— Мана уч йилдирки, биз энг улуғ ва мўътабар байрамимиз — 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини катта шоду-хуррамлик билан нишонлаб келяпмиз. Зеро, бу кун — Истиқлол, Ҳурлик, Озодлик байрами. Бу кун — халқимизнинг асрий орзулари ушалган кун. Бу кун— давлатчилигимизга асос қўйилган қутлуғ тарихий сана.

Шу боис бундай буюк шодиёнани нишонлаш мустақил Ўзбекистон давлатининг пойтахти бўлган шаҳримизга алоҳида масъулият юклаши табиий. Таъбир жоиз бўлса, Мустақиллик куни бутун мамлакатимизнинг нигоҳи Тошкентда бўлади. Чунки байрамнинг энг асосий тантаналари пойтахтда ўтади. Биз республикамизнинг барча вилоят, шаҳар ва қишлоқлари, хорижий мамлакатлардан келадиган меҳмонларни кутиб оламиз. Байрам шодиёналари 31 август куни кечқурун ўзининг бутун салобати ва таровати билан ҳар биримизнинг қалбимизда ғурур, ифтихор туйғуларини уйғотувчи Мустақиллик майдонидан бошланади.

Тошкентда бундан уч-тўрт ой илгари бўлган кишиларгина эмас, шаҳримиз аҳли ҳам яқин вақт ичида пойтахтда нақадар кенг кўламли ишлар амалга оширилганлигига ишонч ҳосил қилиши керак, деб ўйлайман. Айниқса, буюк бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темур номидаги хиёбон ва унинг атрофи ўзгача чирой очди. Мирзо Улуғбек ёдгорлик мажмуи, Абдулла Қодирий боғи таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Мустақиллик куни арафасида янги уй-жойлар, маданий-маиший иншоотлар, мактаб, даволаш муассасалари, маҳаллалар гузарлари қад кўтарди. Тошкентни Шарқнинг тимсолига айлантираётган қурувчиларимизга бу бунёдкорлик ишлари учун катта миннатдорчилик билдирсак арзийди.

Шаҳарнинг қатор саноат корхоналарида ҳам иқтисодий тангликдан чиқиш аломатлари яққол кўзга ташлана бошлади. Айниқса, хорижлик шериклар билан ташкил этилаётган корхоналар жаҳон бозорида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга катта ҳисса қўшяптилар.

— Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши ўн бешинчи сессиясида Президентимизнинг қилган маърузасида тилга олинган шаҳар иқтисодиётидаги, ижтимоий ҳаётидаги йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан қандай ишлар амалга оширияпти?

— Биз бу сессиядан сўнг дарҳол шаҳар фаолларининг йиғилишини ўтказиб, унда Президентимиз маърузаларида баён этилган йўл-йўриқ ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифаларимизни белгилаб олдик. Билдирилган ҳар бир танқидий фикр ва мулоҳаза юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш қатъий назорат остига олинди. Белгиланган тадбирлар ижросининг муддати йил охиригача мўлжалланган бўлса-да, ҳозирнинг ўзидаёқ бажарилган ишларга баъзи мисоллар келтириш мумкин. Шаҳар ҳокимлиги жамоат транспортининг моддий-техника таъминоти учун маблағ, шу жумладан, эркин муомаладаги валюта ажратди. Шу туфайли қўшимча тарзда харид қилинган автобус, трамвай ва троллейбуслар йўналишларга чиқа бошлади. Сентябрь ойида чет эл фирмаларидан харид қилинган дори-дармонлар шаҳар дорихоналари ва даволаш муассасаларига келтирилади.

Мактаблар янги ўқув йилига тайёр қилиб қўйилди. Бу йил шаҳардаги мактаб, лицей, гимназия, ҳунар-техника билим юртларида 363 минг нафар ўқувчи таҳсил олади. Имкониятдан фойдаланиб, уларни Билимлар байрами билан табриклайман.

Савдода, айниқса, деҳқон бозорларида қатъий тартиб ўрнатиш учун катта иш олиб боряпмиз. Йил охиригача шаҳарнинг аҳоли зич яшайдиган яна ўнта мавзесида нонвойхона очилиши режалаштирилган. Фақат июль ойининг ўзида шаҳарда 2284 та янги иш ўрни ташкил этилиб, шунча киши ишга жойлаштирилди.

Телефон алоқасини яхшилаш чоралари ҳам кўрилмоқда. Шу йил охиригача учта автомат телефон станциясини фойдаланишга топширишни мўлжаллаяпмиз. Шунингдек, 79-автомат телефон станциясини таъмирлаш тугалланади.

Хуллас, Президентимизнинг шаҳар кенгаши сессиясида олдимизга қўйган вазифалари доимо диққат марказимизда турибди ва белгиланган чора-тадбирлар ўз вақтида тўла-тўкис бажарилиши учун барча имкониятларни ишга соламиз.

— Пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмини таъмирлашга, бу ердаги аҳолн турмуши учун қулайликлар яратишга эътибор кучайди. Шу маънода, яқин орада белгиланган режалар нималардан иборат?

— Пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисми, асосан Собир Раҳимов ва Шайхонтоҳур туманларига тўғри келиб, маҳаллий аҳолининг катта қисми шу ҳудудларда яшайди. Тасдиқланган «Маҳалла» дастурига биноан бу ердаги маҳаллалар тўлиқ газлаштирилди. Оқава сув қувурлари 1994 йилнинг ярмига келиб 60 километр масофани ташкил этди. Тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 16 километрга сув қувурлари ётқизилди. Ёшларнинг ўқиши ва спорт билан шуғулланиши учун шароит яратиш мақсадида Сағбон кўчасидаги 24-мактабга қўшимча 30 та синфли янги бино ва сузиш ҳавзаси қуриб берилди.

Машҳур адибимиз Абдулла Қодирий номи билан аталувчи истироҳат боғида қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаяпти, ёзувчи тавалудининг 100 йиллик тантаналарида бу ерда унинг бюстини ўрнатиш мўлжалланган.

Яқин келажакда амалга ошириладиган асосий вазифаларимиздан бири Эски шаҳар қисмини марказ билан транспорт воситалари орқали боғлашдир. Яъни Қорасарой, Сағбон, Фаробий кўчалари кенгайтирилиб, жамоат транспорти қатновини йўлга қўйиш устида иш олиб борилаяпти.

— Сир эмаски, кейинги йилларда шаҳарда уй-жой қурилиши маълум сабабларга кўра сусайиб кетди. Буни эслатаётганимиз бежиз эмас. Негаки, ҳовлари ҳам байрамларга ярашиқли анъаналардандир. Айтингчи, бу борада аҳволни тубдан яхшилаш учун нималар қилиняпти?

— Тўғри, хўжалик алоқалари узилиб, металл, ёғоч-тахта, технология ва электр жиҳозлари таъминоти издан чиқиши ва бошқа сабабларга кўра 1993 йилда Тошкент шаҳрида 600 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой фойдаланишга топширилди, холос. Уй-жой қурилишидаги аҳволни тубдан яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги 1994 йилнинг иккинчи ярми учун аниқ йўналтирилган дастурни ишлаб чиқди ва қабул қилди.

Ҳозир лойиҳа институтларимиз Беруний, Ниёзов, Абдурасмонов, Узоқов, Бобожонов, Фурқат, Матлубот, Самарқанд-Дарвоза, Марказ-17, Марказ-18 мавзеларида ва бошқа жойларда қуриладиган кўп қаватли уйлар ҳужжатларини тайёрламоқда. Айни вақтда шахсий уй-жойлар қурилиши рағбатлантирилади. Шу йилнинг ўзида бир неча гектар ер шахсий уй-жой қурувчилар учун ажратиб берилди.

— Кейинги пайтда шаҳар бозорларининг қиёфаси кескин ўзгаряпти. Уларни кенгайтириш, ободонлаштириш ишлари бундан буён ҳам давом эттирилади-ми?

— Албатта. Биз Ҳамза туманида «Қишлоқмаш» бозори, Оҳангарон шоҳ кўчаси ҳамда Юнусобод туманининг 19-даҳасида янги деҳқон бозорлари қурилишини жадаллиқ билан олиб боряпмиз. Уларни шу йил охиригача қуриб битказиш режалаштирилган. Миробод туманидаги «Гуруч» бозор ва Юнусобод туманининг 13-даҳасидаги бозорлар эса қайта таъмирланиб, кенгайтириляпти. Қайта таъмирланган «Кўкча» бозори ҳам сентябрь ойида ишга туширилади. Диққатга сазовор томони шундаки, бу деҳқон бозорлари қурилишига шаҳарнинг йирик корхона ва ташкилотлари ҳисса қўшмоқдалар. Шу билан бирга «Эски жўва», «Олой» деҳқон бозорларининг иккинчи навбат қурилишлари ҳам жадал давом эттирилаётир. Ўйлайманки, булар бари байрамга муносиб тўёна...

Суҳбатдош: Олимжон НАЗАРОВ.

ТО АБАД ҲУР БЎЛ, МАҒРУР БЎЛ, ЖОН ЎЗБЕКИСТОН!

Бугун икки ярим минг йиллик тарихга эга бўлган Бухорои шариф байрам либосида. Хусусан, Сомонийлар боғини айтмайсизми! Ҳар шанба ва якшанба кунлари бухороликлар бу истироҳат ва маданият масканига оқиб келадилар. Боғдан таралаётган ёқимли куй-қўшиқлар, қарнай-сурнай садолари мустақиллигимизни олқишлаб, кишиларга хуш кайфият бағишлаяпти...

Бу галги дам олиш кунида шаҳарликларни Ромитан тумани меҳнаткашлари вакиллари сийлашда. Эрта тонгдан янграган карнай-сурнай наволари остида боққа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ортилган карвон кириб келди. Бирпасда ярмаркалар маҳсулотларга тўлди. Ҳаммаёқни қовун ҳиди қоплади. Дўконларда тумандаги кичик ва қўшма корхоналар ишлаб чиқарган саноат маҳсулотлари кўзни қамаштиради.

— Бу кунга узоқ тайёргарлик кўрдик, — дейди туман ҳокими А. Мўминов, — Жамоа хўжаликлари, саноат корхоналари энг сара маҳсулотлари билан қадимий шаҳарга ўзлари билан Ромитан ерининг саховатини, меҳнаткаш халқнинг иссиқ каломи ҳамда меҳрини олиб келди. Мақсадимиз Ўзбекистонимиз ҳур, мағрур бўлаверсин!

Вилоятда туман кунининг ўтишига ҳақиқий тайёргарлик кўрилганининг яна бир далили — буни қарангки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мўл-кўллиги бир томон бўлса, иккинчи томони — унинг жуда арзонлигиди эди.

— Шаҳарликларга 146 тонна сабзавот, 110 тонна полиз, 100 тонна мева, 76 тонна узум, 8 тонна гўшт, 300 бош қўй, 0 бош қорамол, 1000 бош парранда сотиш учун олиб келинди, — дейди туман деҳқончилик-саноат уюшмаси раиси А. Қўзиев. — «Қалай — чорбоғ», «Бухоро», «Нурафшон», «Халқобод» каби жамоа хўжаликлари, айниқса, бу ерга қўйни-қўнжилари тўлиб-тошиб келдилар.

Ҳа, дил яйрайди бу сўзлардан! Туман ҳокимлиги, ХДП туман кенгаши ярмаркага пухта ҳамкорликда ҳозирлик кўришгани кўриниб турибди. Шу боис шаҳарликлар таъбири билан айтганда, ярмаркалар ичида ҳалигача бунақанги сероблик, арзончилик кўзга ташланган эмас. Бу ҳам Мустақиллик шарофати. Бадиий ҳаваскорлик, халқ дасталари ижрочилари санъатини айтмайсизми?

Хуллас, ромитанликлар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигини туман хўжаликларида ҳамда шаҳарда кўтаринки руҳ билан байрам қиляптилар. Ҳам ўзларини, ҳам шаҳарликларни ёз-ноз-неъматлари билан тўла таъминлаётирлар.

Халқимизда қарс икки қўлдан, деган нақл бор. Қишлоқ шаҳарни таъминлаётир, аммо шаҳар-чи? Биргина Бухоро шаҳридаги саноат корхоналари, кичик ва қўшма корхоналарнинг санаб адоғига етиш қийин... Аммо уларнинг маҳсулотлари қишлоққа етиб бормаяпти, негаки нархи жуда баланд. Саломга қараб алик дейдилар. Шаҳарликлар ҳам зора инсофга келсалар. Бу кунлар ҳам узоқ эмас...

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг мухбири.

ҒУРУР

Байрам, тўй яхши-да. Тўрт тарафга бир бор назар ташланади. Каму-кўстлар, чала-ярим ишлар битказилади. Истиқлол куни арафасида бутун Ўзбекистонда амалга оширилаётган хайрли тадбирларни санаб улгуролмаймиз. Бу яхшилик ва элнинг эртасига хизмат қилади.

Яккабоғ туманида ҳам бу йилги тўйнинг ташвишлари ўзгача.

Яхшиси, уларни санаб ўтирмаймиз. Эл-улус кўриб турибди. Энг муҳими, кўнгилларга чироқ ёқадиган ишлар бошланди. Бир томонда халқнинг сиҳат-саломатлиги, маданияти ва маърифатини ошириш йўлида савоби тегадиган тадбирлар амалга оширияпти. Бир томонда... Улуғ соҳибқирон бобомиз Амир Темур туғилган ўшада унинг тўйи олдидан катта ёдгорлик қуриш учун илк қадамлар ташланаётир. Туман ҳокими Х. Раҳмонов бу ҳақда шундай деб қолди: «Кўплар ўзича улуғ ҳазратнинг туғилган ери масаласида тортишиб юрибди. Ҳайронман, ул зот шу миллатнинг шу юртнинг шаъни, ғурури учун курашган. Биз ҳам ана шунга муносиб бўлайлик-да. Майли, мамлакатнинг ҳар бир буржида унинг қадамини эслатиб турувчи иншоотлар, хиёбонлар қурайлик. Болаларимиз бу билан фахрлансин...».

Ҳақ гап. Биз, қолаверса, ўтганлар ва ўтаётганлар билан ҳам ғурурланишни билайлик. Эртага нишонланадиган катта тўй билан ҳам ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Шукурулло АЛИҚУЛОВ.

БУ КУНЛАР ОРЗУ ЭДИ

Юртимиз байрам либосини кийди. Бу — истиқлол либоси. Учинчи бор ўз миллий байрамимизни нишонлаётирмиз. Бу — чиндан ҳам катта бахт, улкан шараф.

Ёшим 65 га бориб қолди. Иккинчи жаҳон уруши фронтларини кезганман. Рус-япон урушида қатнашганман. Сўнг тикланиш йилларини бошдан кечирдик, Мирзачўлни ўзлаштиришда жонбозлик кўрсатдик. Биз илгари вақти келиб шундай саодатли кунларда, эркин — эркин замонларда яшашимиз мумкинлигини тасаввур ҳам этаолмас эдик. Бундай кунлар биз учун фақат орзу эди.

Энди ўзимизнинг чин истиқлолимизни улғайтирмоқдамиз. Вилоятимиз, шу билан бирга шаҳримиз ҳам кўз ўнгимизда яшариб бормоқда. Унинг қиёфаси янгича мазмун касб этаётир. Кейинги уч йил мобайнида шаҳримизда қанчаданқанча ажойиб ўзгаришлар рўй берди. Уларни кўриб кишининг кўзи қувонади, қалбимизда фахр-ифтиҳор туйғулари жўш уради.

Ҳали булар хамир учидан патир, албатта. Янада улкан ишлар эса олдинда турибди.

Шундай экан, бу кунларни, ўз истиқлолимизни қадрлайлик, уни камолга етказайлик. Бу эса ёшу қари—ҳаммамизга боғлиқ.

Бектурсин ПИРМАТОВ,
Гулистон шаҳридаги 4-маҳалла оқсоқоллар кенгаши раиси, уруш ва меҳнат фахрийси.

ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТГАН ЎЗБЕКИСТОН!



● Ҳозирги кунда Ўзбекистонни дунёнинг 150 га яқин давлати расман тан олди.

● Ўзбекистон Республикаси билан 130 дан знёд давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган.

● Дунёнинг энг йирик ва нуфузли давлатларининг 50 дан ортиқ элчихонаси мамлакатимиз пойтахти Тошкентда фаолият кўрсатмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси қарийб 30 та хорижий мамлакатга расмий ташриф билан борди:

1 — Туркия.
2 — Хитой.
3 — Саудия Арабистони.
4 — Жанубий Корея.
5 — Малайзия.
6 — Индонезия.
7 — Финляндия.
8 — Покистон.
9 — Австрия.
10 — Эрон.
11 — Миср.
12 — Германия.
13 — Нидерландия.
14 — Франция.
15 — Англия.
16 — Ҳиндистон.
17 — Швейцария.
18 — Россия.
19 — Япония.
20 — Нью-Йорк.
21 — Украина.
22 — Беларуссия.
23 — Қирғизистон.
24 — Қозоғистон.
25 — Туркманистон.

70 йилдан ортиқ давр мобайнида ўзи етиштириб ўзи емаган, ўзи ўстириб ўзи кўрмаган ўзбегим энди ўз ери ва юртининг эгаси. Худди ана шу эгалик ҳис-туйғуси, фахр ва ифтиҳори бўлса керак, биз оддий деҳқонлар қўшимча томорқаларга ва қулайликларга эга бўлдик.

ИФТИХОР ТУЙҒУСИ

Собиқ Иттифоқ даврида мулк ҳам, ер ва сув ҳам давлатники деган тушунча миямизга сингиб кетган эди. Яхшиямки мустақил кунлар келиб моллик, ерлик бўлдик. Айни пайтда хўжалигимиз бўйича ўнлаб деҳқон, фермер хўжаликлари, юзлаб шартнома асосида ишлаётган пудратчилар бор. Бунга мисол қилиб Ҳамро Содиқов, Абдулла Нуруллаев, Жаҳон Бозоров, Жамил Ҳамроев каби ишбилармон деҳқонларни, оилавий чорвадорларни кўрсатиш мумкин.

Уларнинг ғайрат-шижоати туфайли дала неъматлари, чорва маҳсулотлари етиштириш кўпайяпти. Биргина менинг ўзим оилавий фермер хўжалиги тузиб, 30 бош қорамол, 50 та қўй ва эчкини парвариш қиляпман. Натижада оилавий даромадим ошмоқда.

Дарҳақиқат, истиқлол берган қулайликларни санаб адо этиб бўлмайди. Шундай экан, янги кунлар келганидан бахтиёр бўлмоғимиз, фахр-ифтиҳор туйғусига тўлмоғимиз керак.

Эргаш РАЖАБОВ,
Қизилтепа туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги фермери.

МИРИЙ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛАДИ

Ўзбекистон ХДП Каттақўрғон шаҳар кенгаши республикамиз мустақиллигининг уч йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бир қатор тадбирлар белгилаган.

— Байрам арафасида республикамиз ҳудуди ва чет эллардаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 350 нафарга яқин каттақўрғонлик талабалар билан бир пиёла чой устида мулоқот кечаси ўтказамиз,— дейди ХДП шаҳар кенгашининг биринчи котиби Азимжон Юсупов.—Шу куни аълочи, жамоатчи талабаларга шаҳримиз ҳокимлиги таъсис этган маърифатпарвар шоир Очилдимурод Мирий номидаги мукофотлар топширилади.

Шаҳримиздаги жами 68 та бошланғич партия ташкилотининг фаоллари ҳам истиқлол байрамини кўтаринки руҳда ўтказиш учун режалар тузишган. Жумладан, уруш ва меҳнат фахрийлари билан «Истиқлолимиз истиқболи» мавзуида давра суҳбатлари уюштирилади. Кам даромадли оилалар, ногиронларга шаҳар партия кенгаши қошида очилган «Ғамхўрлик» жамғармаси ҳисобидан совға-саломлар улашилади.

Абдуазиз ҲОШИМОВ.

БАХТЛИМАН ДЕЯ АЙТА ОЛАМАН

Маррага етган киши беихтиёр орқасига бир қараб олади. Шунда у ўз ишидан мамнун бўлиб, қалбида қониқиш ҳосил қилади. Агар уч йил ичида қилган ишларимизга назар ташласак-чи?! Шахсан меннинг ҳаётимда ўтган йиллар қувончли бўлди. Ўғлимни уйлантирдим. Янги уйга кўчиб ўтдик. Фарзандим олий ўқув юртини тугаллади.

Шу севинчли онларни эсласам кўз олдимга Президентимиз Ислом Каримовнинг бизга кўрсатаётган ғамхўрлиги келади. Мен меҳнат қилаётган давлат хўжалиги ширкатлар жамоасига айлантирилди. Ер деҳқонга берилди. Юқоридан буйруқ беришлар тўхтатилди. Хўжалигимизда Мустақиллик байрами арафасида шарқ услубида чойхона, нева-консерва, пиво заводи қурилиб, ишга туширилди. Бу корхоналарда биз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаймиз. Илгари маҳсулотнинг асосий қисмини марказга жўнатардик. Бу йил 3 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш режалаштирилган. Буни мустақилликнинг шарофати деб биламан. Имкон қадар мустақил давлатимиз равнақига ҳисса қўшавераман. Бахтимни мустақилликни мустаҳкамлашда, деб биламан.

Асад АБДУОЛИМОВ,
Ғаллаорол туманидаги Гулистон ширкат хўжалиги боғбони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими.

ФИДОЙИ БЎЛАЙЛИК

Ҳар бир авлоднинг жамият олдидаги бурчи бўлади. Қайсидир бир ота-боболаримиз гражданлар урушида қатнашди, бошқа бири иккинчи жаҳон уруш иштирокчиси бўлди, яна бири эса тинч қурилиш даврида иқтисодни кўтарди. Кечаги ёш авлод ҳам афғон жангининг гувоҳи бўлди. Бизнинг зиммамизга ҳам енгил вазифа юкланган эмас. Мустақил юртнинг муносиб фарзанди бўлиш.

Мустақиллик бу қалбнинг тўрида пайдо бўлган туйғу. Минг машаққатлар билан қўлга киритилди. Уни ушлаб туриш ҳам осон кечмаяпти. Шуни тан олишимиз керак. Ва мард, жасур карвонбошимиз, сарбонимиз каби фидоий, ўктам бўлишимиз керак.

Мен ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида гапириб ўтирмоқчи эмасман. Биз ўшаларсиз ҳам юртимиз олдида, халқимиз олдида — мустақил Ўзбекистон олдида қарздормиз. Бурчдорлик туйғуси бизни ҳамиша фидоий бўлишга ундайди. Фидоийлик эса, энг аввало, жонни жабборга бериш, Ватан равнақи йўлида ҳар қандай юмушни бажариш, деб тушунаман.

Озода ШОҲҚУЛОВА,
Самарқанддаги 31-мактаб ўқувчиси.

ҚОДИРИЙНИНГ РУҲИ ШОД БЎЛДИ

Болалигимда «Ўтган кунлар»ни пичирлаб, беркиниб ўқиганман. Тушуниб-тушунмаган жойларимни катталардан сўраб олардим. Кейин йиғлардим. Билмадим, негадир юрагимга шундай зўр асар битган адибнинг ўзим кўрмаган нурли сиймоси муҳрланиб қолган эканми, шу-шу Қодирий деган номни эшитсам, титраб кетаман.

Кейин эса бир ҳақиқатни англадим: чет эл, шўро адабиётидан аввал уни таниган эканман. Демак, Қодирийнинг ўзи катта, тенгсиз бир адабиёт экан. Уни ўқиб, тугатиб бўлмайди. Бу ўзбек адабиёти демакдир.

Мустақиллигимизнинг уч йиллиги муносабати билан Президентимиз улуғ адибимизнинг муборак хотиралари ҳаққи-ҳурмати учун ул зотни «Мустақиллик» ордени билан мукофотлади. Буни халқимизнинг бетакрор ёзувчисига бўлган сўнгсиз меҳру муҳаббати деб билмоқ керак. Илло, шундай қутлуғ кунларда Абдулла Қодирийнинг руҳи шод бўлди.

Ғуломхон ҒАФУРОВ,
филология фанлари номзоди.

«МУЛОҚОТ»НИНГ БАЙРАМ СОНИ

«Мулоқот» журналининг 1994 йилдаги 9—10-сонлари босмадан чиқди. У файласуф олим Абдулҳафиз Жалоловнинг «Озод Ватан — обод Ватан» сарлавҳали мақоласи билан очилади. Бу мақола Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Биздан озод ва обод ватан қолсин» номли китоби ҳақидаги мулоҳазалардан иборат. Китобда, дейди муаллиф, юртбошимизнинг Ўзбекистонда инсонпарвар жамият, ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим жиҳатларига оид илмий кузатувлари, тадқиқотлари, хулосалари, сиёсий умумлашмалари, нуқтаи назари баён этилган.

Журналнинг мазкур байрам сонидан 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунига бағишланган қатор мақолалар ўрин олган. Жумладан, олим Мансур Олтин ўғлининг «Ватан, истиқлол, маънавият» сарлавҳали мақоласи, шунингдек, таниқли маданият ва санъат арбоблари Саид Аҳмад, Азиз Қаюмов, Малик Қаюмов ва Зикир Муҳаммаджоновларнинг Ватан шаънига, юрт истиқболига, миллат равнақига, мустақиллик байрамига атаган дил изҳорлари турли сарлавҳалар остида чоп этилган. «Мулоқот меҳмони» рукни остида бу сафар таниқли олим Пўлат Ҳабибуллаев билан журнал мухбирининг «Илм — мустақиллик қаноти» сарлавҳали суҳбати берилган.

Маълумки, бу йил шоҳ ва мунажжим Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги кенг нишонланади. Шу санага бағишлаб тайёрланган саҳифаларда ўқувчилар Алишер Навоийнинг Улуғбекка бағишланган «Расадким боғламиш зеби жаҳондур» матлаъли берилаётган ғазалини, Саккокийнинг «Улуғбек мадҳи»ни ҳамда таниқли тарихчи олим Бўрибой Аҳмедовнинг «Адолат» боғи сабз ўлди...» сарлавҳали мақолаларини ўқишлари мумкин.

Адабиётшунос олим Эрик Каримовнинг «Туркистон адабиёти» сарлавҳали мақоласида ўзбек маърифатпарвар адабиёти вакилларининг 1905—1907 йиллардаги ижодлари ва асарлари ҳақида фикр юритилади.

Дунёнинг кўп улуғлари сингари Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳам ҳаёти ва ижодига боғлиқ асосий томонлар Бухоройи Шариф билан бевосита боғлиқ. Олимлар Тожи Қораев ва Абул Бозорбоевларнинг «Яссавий издошлари» мақоласи айнан Хожа Аҳмад Яссавийнинг бухоролик муридлари, мухлислари, хаттотлари ва шогирдлари ҳақида.

Тарихчи олим Поён Равшаннинг бу сонда эълон қилинган «Муқанна» номли тарихий мақоласи ўқувчининг Муқанна ҳақидаги тасаввурини янги маълумотлар билан бойитади.

ФАРЗАНДЛАР ҚУВОНЧИ

Мустақиллигимизнинг уч йиллиги нишонланадиган улуғ айём кунларида Шофиркон туманида бир йўла иккита мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Бобур номли жамоа хўжалиги меҳнаткашларининг 180 нафар фарзанди янги мактабга боришади. Ш. Рашидов номли жамоа хўжалигида эса 360 ўринли мактаб биноси ўқувчиларни ўз бағрига олади.

Шунингдек, Бухоро туманидаги Ғафур Ғулом номли уч қаватли янги мактаб биноси ҳам фарзандлар қувончига-қувонч қўшди.

Б. ДАВРОНОВ.

ҲУРЛИК ШУКУҲИ







МУСТАҚИЛЛИК — ЁРУҒ ЮЗЛИГИНГ БЎЛСИН!

Ойдин ҲОЖИЕВА

Ўзбекистон халқ шоири.

Поезд шом қоронғусида Жиззах даштларидан ўтиб боради. Бодраб чиқаётган юлдузлардан сирли-синоатли шуъла қуюлади дилга: Одам юрса оёғи, қулон ўтса туёғи қуядиган ерларда бетон ариқлар сув «ташийди». Қирғовулзор, тувалоқзор маконларда инсон уй солиб, иморат қуриб, умргузаронлик қилади. Қалдирғоч уясидай бир-бирига туташ уйлар мўрисидан тутун чиқади. Вагон деразасидан бироз таффот аралаш шабада ҳилпираб киради. Ануви, порлаб чиққан дарахшон юлдузнинг мунгли шуъалари менга сир сўзлайди:

— Унутма, бу ғариб даштда Сибир сургунидан қайтаётган Қўшша Норқулнинг руҳи кезиб юрибди. Унинг ўз ота маконидан узоқда қолган лоши ер остида лаъвага айлангандир...

Руҳимда чақмоқ ёнади. Кўз олдимда Хўжайи Бўстон қишлоғида яшовчи Некбой хола (уни тўнғич ўғил номи билан аташади)нинг заъфарон юзлари жонланади:

— Акам уйланмаган, айни оқи-оққа, қизили-қизилга ажраган мужаррад ёшида эди. Эртадан кечгача райкомдан бери келмасди. Комсомоллар сардори эди. Бир куни ғира-ширада уч киши кириб келди. Акам эндигина ишдан қайтган. Ҳалиги кишилар уни бетакаллуфлик билан чақиришди. Акам ирғиб туриб, ҳовлига чиқди. Қандайдир қоғоз кўрсатишди. Унинг ранги қув ўчиб, менга хомуш тикилди. Сўнг Некбойимни қўлига олиб, икки юзидан муччилади.

— Опа, хавотир олманг. Тез кунда келаман. Туҳматга қолдим, туҳматга. Менинг юзим ёруғ, виждоним тоза, — деди Қўшша акам овози ғалати бўлиб.

— Сен халқ душманисан, қани, олдимга туш,— деди бири ўдағайлаб.

Мен дир-дир титрайман, ўпкамни босолмайман, йиғлайман. Некбойгинам олти ойлик эди. У чинқиради.

— Мана шу боланг 25 ёшга тўлганида аканг келади, ўчир овозингни,— деди иккинчиси...

Орқасига қарай-қарай акам кетди. Шу бўйи кўрмадик, дийдорига зор бўлдик. Қўшшабой акам ғазал, шеърга ўч эди. Тўйларда мухаммаслар айтарди. Бир тўйда «Равшанхон» достонидан ёд ўқиб бериб, даврани қизитган экан. Айби шу!

Акам Муҳиддинни урушга жўнатдим. Ўққа учди, мозори қайда — юрагимда доғи қолди. Умар укагинам урушдан мажруҳ бўлиб қайтди. Отагинамга шунча кўргулик етмай, ўзини ҳам қамадилар. Сайловга келмадинг, деб беш йилга кесишди. Мункиллаган отагинам қув-қув йўталиб қайтди ва икки ўғил доғида ўтди-кетди. Яримта оёқ билан жон аямай ишлаб юрган Умар укамни камомад қилдинг, деб уч йилга «кесиб» юборишди. Келиним Ражабгина тўрт ёққа югуриб, бор-будини сотиб, эрини чиқариб олди. Аён бўлишича, «халқ душмани»нинг акаси деб туҳмат билан қамашган экан. «Чироқ ёнар ёғ билан, бағрим тўла доғ билан», дегани мен бўламан. Эй, бу оқарган бошимга ёққан балоларни сиз сўраманг, ман айтмай!

Уруш йиллари Сарваргина билан иккимиз салту сувойдек ишладик. Суяги қотмаган болагиналарим эгатда ўрмалаб тили чиқди, йўлга кирди, жони қаттиқ экан, ўлмай катта бўлди. Ажриқ еган одамлар бўлди. Кунжарадан шишиб ўлганлар бўлди. Канал чиққанда, Сарваргина билан иккаламиз бел боғлаб, неча дапқир канал қазишга бордик. Ўзим беваю бечораман. Бошимда эркагим йўқ. Марямгинам бешиқдан чиқмаган эди. Тонгдан шомгача далада қолиб кетардик. Ҳар эрталаб бир халта гўнг кўтариб, далага борардик. «Ҳосилот тўрва» дейишарди. Бахтимга эримнинг уруғлари бор экан...

Мана, ўғил-қизлар уйлижойли бўлди. Невара тўйлар кўрдим. Эвараларни бешикка беладим. Қачон Оллоҳ сўраса, «лаббай» деб турган бандаман. Одам танасида сув кўп экан-да, бўлмаса ёниб кетардим-а! Қўшшагина акамнинг юзини кўролмадим, азасида йиғлолмадим, мозорини тополмадим — Муҳиддингинамнинг доғини сўраманг.

Иззатой холанинг қорача, нозик юзлари тундлашиб, кўзлари ёшга тўлади — Акамнинг «менинг виждоним тоза, юзим ёруғ» деган сўзлари кечалари қулоғимда жаранглайди. Биргина кўрсам эди, акажон, сиз юзи ёруғ, виждони тозасиз, десам эди...

Бундай армонлар қанчадан-қанча ўзбек хонадонларида тунлари шамдай ёнар экан? Бўстон қишлоғидаги Норқул бобо уч бирдай ўғлини замонга қурбон берди. Инсоннинг сабрини синаш, инсоннинг ҳамиятини топташ, ор-номуси билан ўйнашмоқ, одам тақдири устидан чизиқ тортмоқ — бундан ортиқ бўладими?

Аллома, шарқшунос, филология фанлари доктори Фозилахоним Сулаймонова суҳбатидан:

— Тимдай уйлар, ҳовлилар бир кечада ҳувиллаб қолар эди. Эгалари қоронғуда аллақаёқларга кетишарди. Ҳаловат йўқолди, дилларга қўрқув — ҳарос тушди. Отаболоби кимлигини яширишга уринишарди. Отаси мулла, фозил бўлганларнинг изидан тушишарди. Отам Комилжон ҳам падари бузруквoрлари кимлигини сир тутарди. Марғилонда еримиз, боғ-роғларимиз бўларди. Отам эскичадан ва оврупоча илмлардан хабардор, катта фирма хўжайини, сармоядор эдилар. Ўша 30-йиллар бошида молу мулкат эгаларига қарши кураш бошланди. «Қизил Ўзбекистон» газетида «Қўй терисидаги бўри» мақоласи чиқиб, отамни бадном қилишга уриндилар. Дадам Марғилондан бош олиб чиқиб кетди ва қайта қадам босмади. Қувада муқим бўлиб қолди. Ўзини таниган, элнинг манаман деган одамларининг бошига бир уриб, қулоғигача ерга киритиб юборишарди. Отам ўша йилларнинг жабрини кўп тортган.

Кўпчилик «Ўзбекфильм» асосчиларидан бири, кинематограф Сулаймон Хўжаев ҳақида билмайди. Ажойиб кинорежиссёр, маърифатпарвар бу инсонни ҳам Сталин замонасининг ваҳшат чиғириқлари мажақлаб ташлади. Тошкентда яшаб турган, умрида Киров билан суҳбатлашмаган бу улуғ зотни ҳам туҳмат лойига қордилар ва «Киров ўлимини ташкил этишда қатнашган» деб ҳибсга олдилар. Киношунос Ҳ. Акбаровнинг аниқлашича, уни «Малик» совхозида отиб ташлашган.

Отанинг аччиқ тақдири 1950 йилда унинг ўғли, йирик адабиётшунос олим, илму фан фидойиси Ҳамид Сулаймон бошига тушди: миллатчиликда айблашиб, «халқ душмани» деб сургун қилишди. Домланинг кўрган кунларини айтаверсам, қалам дош беролмай ёниб кетади.

Тайшет ўрмонлари юз минглаб маҳбуслар мурдасини ютган мозористонга ўхшайди. Очлик, хўрлик ва зулмдан тунлари маҳбуслар тарашадай қотиб, ўлиб қолар, тонг-ла уларни худди ўтиндай саржинлаб, аравага тахлаб, ўрмонга олиб боришарди. Муз тарақлаб ётган ерга чўкич ўтмайди. Шохшаббалардан йиғиб, гулхан ёқиб, озгина ер очиб, маҳбус олим йиғлаб-йиғлаб гўр қавлайди ва кафансиз, жаноза сиз ўликлар ўрага ташланади... Одамзот учун бундан ёмон хўрлик, ҳақорат, зулм борми? Бу кўргуликларни халқ ёзувчиси Шукрулло «Кафансиз кўмилганлар» рўмонида тасвирлаб берганлар.

Жаҳон дурдоналарини излаган, ноёб истеъдод ва ёрқин ақлу заковат эгаси бўлган олим учун қабиҳ тақдирнинг макри нақадар аёвсиз, нечоғли даҳшатли эканини эсласам, ҳали-ҳануз музлаб кетаман. Ўша таҳқир ва камситишлар, қор салтанатидаги суякдан ўтган аёз заҳри устоз Ҳамид Сулаймонни тез қаритди, эрта олиб кетди.

Бугунги саодатли айёмни, истиқлол берган чин озодликни кўрганларида бошлари осмонга етар эди. Устоз Ҳамид ака минг бир машаққат билан хориж сафарига чиқсалар, ҳар гал буюк бир шоир ёки олимнинг ноёб қўлёзмалари фотонусхаларини топиб келарди. Фан йўлида меҳнатдан, машаққатдан чўчимади. Бугун Ўзбекистонга дунё дарвозалари очилди. Иқтидорли ёшларимиз чет элларга ўқишга бормоқдалар. Ўқиш асносида кутубхоналар, нигорхоналар (музей)ларга кўпроқ қатнасалар, дунёга сочилиб кетган нодир қўлёзмаларни изласалар, дарақласалар, улардан ўз Ватанлари учун микрофотонусхалар келтиришга ҳаракат қилсалар. Биргина ҳазрат Навоийнинг турли асрларда оққа кўчирилган қўлёзмаларининг сони 2 мингдан ошади. Лондон, Париж, Оксфорд, Кембридж, Берлин, Мюнхен, Нью-Йорк, Анқара, Теҳрон, Урумчи, Пекин, Қобулдаги миллий кутубхоналар, шахсий кутубхоналарда улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг девонлари мавжуд. Ҳар бир топилма — икки сатрлик фарддан тортиб қасидасигача — бу халқимизнинг бойлиги, мулки, боболардан қолган бебаҳо ёдгорликдир. Бизнинг билимдон ёшларимиз ана шу инжа сўз гавҳарларини излашни ҳам ўргансалар, миллат учун, илму фан равнақи учун хизмат қилган бўлурдилар.

Ҳамид Сулаймонлар қадами етмаган ерларга уларнинг учқур фикрати етса деб орзу қиламан. Қалби бой бўлган миллат, маънавий юксак халқгина тарих саҳнасида абадий қолади, халқнинг тириклиги унинг маънавият дарёлари шарқираб оқиб тургани билан ўлчанади. Бир буюк ҳикматни яъни, «халқни халқ қилган, миллатни миллат қилган унинг маънавияти, маънавий бойликлари», деб Президентимиз кўп эслатадилар.

Украина даштларига бадарға қилинган, бой-боёнлар, эл-авлоди қатағонга учраган йирик давлат арбоблари қисмати ҳали тарих қатларида пинҳон ётибди. Тарихчи М. Ҳасановнинг маълумот беришича, Файзулла Хўжанинг хотини Малика Муҳаммаджон қизи 50-йиллар бошида Сибир сургунида цинга зангила касалига дучор бўлиб, ўша ерларда қолиб кетди. Қизи Вилоят Хўжаева 1959 йили Сибир сургунидан қайтиб, 1987 йили оламдан ўтди. Синглиси Робиянинг тақдири номаълум.

Ҳали Файзулла Хўжаев ҳаёти қирралари фаолиятининг бутун мураккабликлари тўла ўрганилмаган. Беш йилликлар бошидаёқ комфирқа съездида Файзулла Хўжа пахта яккаҳокимлиги авж олаётгани, боғлар, экинзорлар камайиб, халқнинг турмуш даражаси ночорлашиб қолаётгани хусусида сўзлаган. Мевали боғлар, полизларни кўпайтириш, дуккакли экинлар — мош, ловия, нўхот халқ турмуши учун зарурлигини айтган ва бу халқпарварлиги учун — таъқибларга учраб, алал-оқибат ўзи кўкрак тутиб ҳимоя қилиб, барпо этган шўро тузумининг қурбонига айланди.

Бундай йўқотишларнинг нечасини бошидан кечирди Ўзбекистон?

Усмон Носирнинг гўзал илҳомини қора қонга бўяган замона жабридан ҳали ҳануз армон қилади шоирнинг синглиси Роҳатой опа.

— Кечалари уйқум қочиб кетарди. Акрамнинг ҳушрўй юзлари, қоп-қора чақмоқ кўзлари зулмат қаърида порлаган юлдуздай эшигимиз тепасида тураверарди.

Илтижо қилардим, шундай кун келармикан, уйма-уй, эшикма-эшик юрсам, овозаласам?

— Ҳой яхшилар, Усмон Носир оқланди, Усмонхон халқ душмани эмас экан, Усмонхон улуғ шоир экан!

Минг шукр яратганга, шу кунларга етдик. Усмон Носир элга қайтди, ардоқланди, кўчалар, мактаблар, техникумлар энди шоир номи билан аталди.

Шундай қурбон бердик бу кунларга — ҳурлик, озодликка етмоқ учун. Усмонхон тирик бўлганида дунёни шеърга, завқу шавқли ғазалларга тўлдириб ташларди.

Бундай поймол этилган тақдирларни минглаб мисоллар билан исботлаш мумкин. Уларнинг барчаси алам-ангиз тўла достонлар...

«Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деб номланган 85-йиллар қатағони жароҳатидан ҳали қон сизиб турибди. Халқнинг кўзидаги ўтни олиб, уни суврати бек, сийрати — қулга айланиб, мияси пахтанинг чангида палағда бўлиб қолишини истаган Кремлчи жаллодларнинг таҳқирлари Ўзбекистоннинг кўксида чўғдай ёниб турибди. Миллатнинг ҳаёти хавф остида қолиб, дини топталиб, тилига кўринмас кишан солиниб, баркамол ўғил-қизларини маънан, руҳан, ўлдиришга чоғланган қизил зулматнинг асъасаю довруғи жаҳонни титратган кунлар ўтди. **Миллат барқарорлиги** учун кураш туйғусини солди дилимизга Истиқлол. Миллат тириклиги унинг бедахл тупроғи, озодлиги, дини-имони, тили, тарихи, минг йиллик ёзма маданий-ёдгорликлари жаҳон айвонидаги ўз мустақил ўрни, овози, байроғи, туғи, мадҳияси, миллий валютасидир. Энди ўзганинг аравасига тушиб, қўшиғини айтиб «коммунизм» манзилларига шошган» адашган, ғафлат босган йиллар ўтди.

Миллатлар тенглиги ҳақида тинимсиз жар солган, лекин юзлаб миллатни ватанидан мосуво қилиб, тариқдай сочиб юборган, қон йиғлатган, неча миллатни тилидан айирган, аросатга солган ҳукмфармо найранглари эсдан чиқмаслиги керак. Миллий тенгликда, тотувликдагина халқ ўниб-ўсади.

Ортга қайтар кўприклар, Президент Ислом Каримов айтганларидек, ёниб кетган, келажакка, элдан элларга, дилдан дилларга ташланган кўприкларни қурмоқ бизнинг зиммамизга тушди. Мана шу улуғ орзулар, йўллар, кўприклар бошида турганларга Қўшша Норқул армонлари, Усмон Носир кўзлари, Ҳамид Сулаймон юрагида кетган орзулар, Каломуллоҳни кафанлаб ерга кўмиб истиғфор айтган фозил Ражаб бобонинг маъюс нигоҳлари термулиб турибди.

Ўтганлар тириклардан умидвор бўладилар. Тириклар улардан ҳамиша қарздордирлар. Биз энди шиддат-шижоат билан Истиқлол бахш этган ишонч билан олдинга, фақат олға юраверайлик. Минг йиллик чинор илдизларидай не-не улуғ аждодлар замин қаърига чирмашиб ётибди. Улар бизга мадад берадилар. Улар бизга сабоқ беради.

Буюк ҳуррият байрами — Ўзбекистон мустақиллиги уч йиллиги олдидан бироз маҳзун хотираларни, аламли ўтмишни эслаганим боиси, азиз ўқувчим, кечаги кулфатни тез унутиб, бугунги қийинчиликлар олдида эсанкираб қолмайлик! Донишманд, андишали, сабр-тоқатли, севимли онамиз — Ўзбекистонни қувонч-қайғуси, билан, иссиқ-совуғи, пасту баланди, яхши-ёмон кунлари, бор-йўғи, каму кўсти билан кўксидаги жароҳатлари-ю, бугун дунё ичра топаётган обрўси билан севайлик, сиғинайлик, бу онамизнинг этакларига бош урайлик! Онамизнинг оқ сути ҳақи — уни бўҳтонлардан, ҳар хил маломат тошларидан ҳимоя этайлик. Диндан чиқсанг ҳам элдан чиқма, демиш машойихлар. Ватанини бир товоқ кепакка сотиб кетганларнинг совуқ ниятлари ўзларига урсин!

Энди уйнинг тўри ўзники бўлгай,
Нонинг бутун бўлгай, ўзлигинг бўлгай,
Энди оғзингдагин олдирма, халқим,
Мустақиллик ёруғ юзлигинг бўлгай!





ҲУРЛИК ШУКУҲИ

• *Истиқлол тенгдоши*

ОНА ЮРТ ТОЛЕЙИ ҚУЛАРИНГДА ОЛАМ...

1991 ЙИЛНИНГ 31 АВГУСТИ. Ўзбекистоннинг асрий қуллик кишанларини парчалаб, истиқлолни қўлга киритгани ҳақидаги хабар еру-кўкка тарқалди. Мамлакат Президентининг Истиқлол ҳақидаги ҳаяжонли нутқини тинглаб қалби ғурурга тўлган Адҳам аканинг кўз ўнгида беихтиёр йиллар силсиласи ортидаги тарихимизнинг «қора, кир давр»лари намоён бўлди. Отаси КАРИМЖОН АМИНнинг дарбадарликда ўтган умри, онаси Ҳосиятнинг машаққатлари, суяклари «Херсон» деб аталмиш бегона юртда қолиб кетган акалари — Ўринбой ва Солижонлар...

У Лангар қишлоғининг ўзига тўқ одами эди. Октябрь тўнтаришидан сўнг бир неча бор «босмачилик»да айблаб қамашди. 1933 йили эса 7 нафар оила аъзолари билан уни Украинанинг Херсон вилояти чўлларига сургун қилишди. Херсонда минглаб «қулоқ» ўзбек оилалари яшар, ўзбек қишлоқлари пайдо бўлган эди. Каримжон Аминлар оиласи «Бугай» хуторида 18 йил яшади. Не-не азоблар, Ватан соғинчи, очлик-хорлик, НКВД сўроқлари... Адҳам Каримовнинг киндик қони ҳам ўша олис, бегона тупроққа тўкилди. Кейинчалик ҳам «қулоқнинг ўғли» дея пастга уриш, вазифалардан четга сириш каби камситишлар унинг ва ака-укаларининг юрак-бағрини эзди. Ниҳоят, истиқлол келди...

«Истиқлол муборак!» — дея сўзлар учди Адҳам ака лабларидан, мижжалари намланди... Худди шу лаҳзада уйга янги қувончли хабар келди: «Невара кўрдингиз!»

«Унинг исмини шу муборак дамлар ижодкори, истиқлолимиз асосчиси Ислом Каримов шарафига «Ислом» деб қўямиз, неварамиз озод юртнинг биринчи тонгида дунёга келди, мустақил Ўзбекистон тарихининг илк саҳифаси Ислом исми билан мунаввар бўлганидек, оиламизда дунёга келган набирамиз исми ҳам «Ислом» бўлсин!»

Марғилонлик Ислом Каримов — мустақиллик тенгдоши. У озод Ватанга муносиб ўғил бўлади!

А. ИБОДИНОВ.

МУАЛЛИФ ИЗОҲИ: Кичкинатой Исломбекнинг эътиқодли бобоси Адҳам ака истиқлолнинг иккинчи йили байрами арафасида водий қаламкашлари орасида биринчи бўлиб муборак ҳаж сафарига бориб келди. Фарғоналиклар Адҳам ҳожи Каримов номини истиқлол куйчиси сифатида ҳурмат билан тилга оладилар. Шу уч йил ичида унинг учта шеърий ва насрий рисолалари катта нусхаларда нашр қилинди. («Ҳалоллик» — «Ёш гвардия» нашриёти, «Бир гапим бор — уч тилло» — «Адолат» нашриёти, «Қўшиқ, қўшиқ, қўшиғим!» — А. Қодирий номли халқ мероси нашриёти). Адҳам ҳожи Каримов вилоят «Фарғона ҳақиқати» рўзномасида бўлим мудиридир.

• *Тантаналар арафасида*

ЎЧМАС ИЗЛАР

Мана, юртимизнинг мустақиллигига ҳам уч йил тўлди. Эрта-индин байрам. Биз эса ўша байрамона кайфият билан шаҳар кезамиз... Ўзимизча гўзал Тошкентнинг бундан уч йил илгариги ва бугунги ҳаётини қиёслаймиз.

Тошкент — эндиликда катта бир давлатнинг юрагидир. Икки ярим миллионли шаҳарга неча юз минг меҳмон келиб-кетаркан қунига? Буни санаш қийин, албатта. Одамохун шаҳримиз кўчалари ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Илгаганимиз бундан уч йил илгари кўзимизни узмаган «ажнабий» машиналар энди диққатни тортмайди. Жаҳонда сифати ва инчунун мавқеи билан нуфузли саналган фирмаларда ишлаб чиқарилган автобуслар, енгил машиналар, троллейбус ва трамвайлар... Улар орасида Самарқандда чиққанлари ҳам бор. Кўнглимиз ғурурга тўлади.

Ишхонамизнинг шундоқ биқинида «қорасоқол» доҳий ўрнида мағрур «от суриб» турган Темур бобони зиёрат айлаб, сўнг атрофга боқамиз. «Ўзгаришлар катта-ку» — хаёлимиздан ўтади. Шаҳарнинг қоқ марказидаги ушбу хиёбонда энди ёш келин-куёвлар кезади. Қўлларида соҳибқирон пойига аталган гуллар. Ўзларининг унутилмас кунларини бобо зиёрати ила кўнгилларга муҳрлашни одат қилишибди. Бу — кимлигимизни, ўзлигимизни англаганликдан нишона. Хиёбонда эса байрам шукуҳи. Бу ерда янгидан ўрнатилган фавворалар хиёбонга ҳуси бўлиб турибди. Масканнинг янада янгича қиёфа касб этиб бориши — қурувчиларимизнинг диққатмарказида. Бу ерда келажакда Амир Темур давлатчилигини «тушунтириб берувчи» музей, нуроний отахонлар оромгоҳи ҳам қад ростласа, ажабмас.

Хиёбонни кесиб ўтиб, Олой бозори томон юрамиз. Ва яна бир манзаранинг гувоҳи бўламиз. Кўчанинг кўркига ярашмай турган эски бинолардан кечилиб, уларнинг ўрни ободонлаштирилибди. Энди чамаси, бу жойлар ҳам сайргоҳ бўлади...

Булар бугун, байрам арафасида бўлаётган ўзгаришлар. Аниқроғи, Шарқнинг машъали ҳисобланган Тошкентнинг зебу-забари устида қилинаётган ишларнинг бир шингили... Келинг, ўтган уч йиллигимизнинг ушбу соҳадаги тарихини варақлайлик...

Ушбу энг сўнгги тарихий жараёнда пойтахт метро бекатлари кўпайди — Беруний, Тинчлик, Чкалов, Машинасозлар йўналиши бўйлаб ер ости поезди қатнай бошлади. Бугун шаҳарнинг кўркига кўрк қўшган Миллий боғимиз, буюк мутафаккир Мир Алишер Навоий бобога ўрнатилган ёдгорлик, Мирзо Улуғбек ҳайкалининг қад ростлаши, ҳашаматли «Туркистон» саройининг очилиши, кўплаб янги турар жой бинолари, меҳмонхоналар қурилиши — буларнинг ҳаммаси ана шу уч йилда, қолаверса, иқтисодий танг, бозор муносабатларига ўтилаётган даврда бунёд бўлди. Биргина Тошкентнинг ўзида сўнгги вақтда 30 та йирик объект қурилди ва таъмирланди.

Айтиш жоизки, бу излар ана шу бир зумлик тарихнинг ўчмас лавҳалари бўлиб қолади. Бу лавҳалар замирида истиқлолнинг буюк неъматларидан — юрт тинчлиги, осойишталик, тотувлик, бунёдкорлик ва меҳнаткаш халқнинг фидокорона меҳнати зоҳирдир. Шу ўринда пойтахтимиз бозорлари ҳақида алоҳида тўхталмай илож йўқ. Зеро, кейинги йилларда уларнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. «Чорсу» мажмуасининг ўзиёқ мамлакатимизда ушбу асрдаги энг йирик бунёдкорликлардан бири бўлди. Миллий урф-одатларимизга хос ва мос бўлган безаклар, бозорларимизнинг рамзий дарвозалари кишининг диққатини тортади. Қолаверса, уларда савдо маданияти учун барча имкониятлар яратилипти.

1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси истиқлоли байрами шодиёналарининг маркази — Мустақиллик майдонидир. Байрамга ҳозирлик бу ерда бундан анча аввал бошланган эди. Қарийб 10 минг одамга мўлжалланган томошагоҳ тайёрланган. Республикамизнинг ижтимоий ҳаётини акс эттирувчи кўргазмалар, Ўзбекистоннинг ўрни бўртиб турган сарбаланд ер шари рамзи тагида байрамона руҳ зоҳир. Вилоятлардан ташриф буюрган ва пойтахт маданият муассасаларининг кўзга кўринган намояндалари, бутун санъат аҳли Мустақиллик шодиёнасига қизғин тараддуд кўришаётир.

Дарвоқе, байрам байрамдек ўтиши аниқ. Пойтахтимизнинг хиёбонлари, сайилгоҳлари, концерт залари ҳам шу куни одамлар билан гавжум бўлади. Шодиёналар эса спорт ишқибозлари орзиқиб кутаётган Голландия футбол жамоаларининг республикамиз командалари ўртасидаги «Мустақиллик кубоги» учрашувларига уланиб кетади.

Хулоса шуки, Ўзбекистон пойтахти аҳли ўз истиқлоли шодиёнасига шай. Юртимизнинг ижтимоий ҳаётидаги туб ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотлар натижалари, кишилардаги руҳият, қолаверса, халқнинг осойишта ва тотув турмуши, меҳнаткаш ва ватанпарварлиги бунинг заминидир.

Ҳусан ЭРМУХАММАД,
Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Қучолмасман мен сени ҳаргиз,
Сен осмонсан, мен-чи — зарра тан.
Қиблагоҳим, юпанчим ёлғиз,
Сен барҳаёт онамсан, Ватан...

Ғанижон Муҳаммад ҚОДИРИЙ сурат-лавҳаси.

ВАТАН

Дил пораси, кўз қораси
Сен ўзингдирсан.
Менинг кўнглим сен аслида,
Сен кўзимдирсан.
Томиримда томир ёйган
Илк сўзимдирсан.
Илк оғриғим, илк ёмғирим,
Найсоним, Ватан.

Қир устида ёнбошлаган
Бобом чайласи,
Бу дунёда кимларнингдир
Орзу-ҳаваси.
Димоғимда—юлдуз иси,
Шабнамлар иси,
Момом экиб кетган кашнич,
Райҳоним, Ватан.

Қулоқ солсам шивирлагай
Ҳатто тошларинг.
Ою қуёш, камалаклар
Кўзу қошларинг.
Бешигимни тебратгандир
Қалдирғочларинг,
Ою қуёш кўрпа солган
Айвоним, Ватан.

Бўронлари тулпорларга
Тунлар ёл бўлган.
Бир ўғлони чинор, бири
Мажнунтол бўлган.
Бобурлари отдан тушмай
Қадди дол бўлган,
Мозийлари, чаманзори
Пайҳоним, Ватан.

Валилардан ибрат сўйлар
Жулдур саҳролар.
Сўнди қанча салтанатлар,
Қанча туғролар.
Мақбаралар айтсин лекин,
Айтсин Зуҳролар:
Ер остидан суҳбат айлар
Ҳануз Кубролар,
Термизийлар бедор ётган
Қўрғоним, Ватан.

Не тонг эди—изғиринлар
Заҳрини тотдинг.
Дастурхонда музтар қолди
Қанду новотинг.
Шаҳидларнинг мунгларидир
Ҳар бир работинг,
Абадий ёд эрур асли
Адабиётинг,
Чўлпон, Фитрат, Қодирий ҳам
Уғлоним, Ватан.

Мен дунёни не деб айтай!
Бу бир кўҳна боғ.
Ўз билганин сайрар бунда
Ҳар қумри, ҳар зоғ.
Асло сенинг бағрларинг
Кўрмайин мен доғ.
Юлдузларга осмон бўлган
Эй, нурли тупроқ,
Осмонлари еру ери
Осмоним, Ватан.

Сўқмоғингда мен бир эпкин
Ё бир насимман.
Япроқ сенинг, хас бўлсам гар
Сенинг хасингман.
Жайронларинг кўзларида
Қолар сўзингман.
Менинг борим сен биландир,
Йўғим сен билан,
Катта йўлга чиққан улуғ
Карвоним, Ватан.

Сирожиддин САЙИД

● САВОБЛИ ИШЛАР

ОТАХОН САХОВАТИ

● ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Яккабоғлик тадбиркор ва ишбилармон Ўроқхон бобо Жалилов ёрдамчи хўжаликка бошчилик қилиб келмоқда. У бу йил Чироқчи туманидаги «Чияли» давлат хўжалигидан шартнома асосида олинган майдонда деҳқончилик қиляпти.

Отахон 200 гектар ерга оқ грекум буғдой эккан эди. Меҳнати зое кетмади. Лалми ернинг гектаридан 17 центнердан ҳосил олинди. 100 гектар майдонга зиғир, бир гектардан ерга картошка ва сабзи экилган эди. Ҳосили чакки бўлмади. Отахоннинг таъкидлашича, ғалланинг асосий қисмини давлатга сотиб, қолганини уруш ногиронлари, бева-бечора ва хўжалик аъзоларига арзон нархда тарқатар экан. Бу Ўроқхон бобонинг Мустақиллик байрами ва Ғалабанинг 50 йиллигига муносиб саховатидир.

Ғози РАҲМОН.

● ХАЛҚ ТАБОБАТИ

ШИФОБАХШ ИЧИМЛИКЛАР

● БУХОРО (мухбиримиздан). Ромитондаги 6-дорихонада табиий гиёҳлардан шифобахш ичимликлар тайёрланиб, аҳолига сотилмоқда.

Дорихонада тайёрланаётган янтоқ дамламаси, наъматак ичимлиги совуқ кунларда жонга оро кириб, тафтбосди бўляпти. Айниқса, ошқозон-ичак касалликларининг олдини олишда қўл келяпти.

Даврон БАҲРОНОВ.

АО РОСТИНКО

Ўзбекистон меҳнаткашларини Мустақиллик куни билан табриклаймиз!

«РостИНКО» акционерлик жамияти 20 фоизга арзонлаштирилган нархларда қуйидагиларни сотади:

— 3 фазали 2,2 кВТ дан 55 кВТ гача, 7 минутига 750 дан 3000 мартагача айланадиган ассинхрон электродвигателлар;
— ОКСТ 67114, кучланиши 40 т. бўлган гидравлик пресс;
— А 9-КЧЭ мева думини ажратиш машинаси;
200 мм. гача диаметрли трубаларни қайириш станоги;
— МКСБпШп 4Х4Х1,2 симметрик кабели;
— ВР 8/2,2 ваккум насослари;
ЭЦВ 4, ЭЦВ 6 чуқурлик насослари;
— ФКУ-3 колбаса цехи;
— томат пастасини, жомларни, қуюлтирилган, пастеризацияланган ва ачитилган сутларни тайёрлаш учун қурилмалар;
— яширин сим ўтказиш учун ИПБНИ — 2×2,5 сими;
— абразив доиралари.
Шунингдек.
— 100 фоиз каустик содани гулли чоксиз, кўрпа, ёстиқ жилдлари, чойшабларга

АЛМАШТИРАМИЗ.

Кабель маҳсулотларини;
— электродларни;
— ТДМ пайвандлаш ускуналарини;
— металлопрокатни;
— халқ истеъмол молларини

СОТИБ ОЛАМИЗ.

— Кран ишларини

БАЖАРАМИЗ.

МАНЗИЛГОҲ: Тошкент Фурқат кўчаси, 1-уй, 8-қават, 706-хона. «Халқлар дўстлиги саройи» метро бекати.

ТЕЛЕФОНЛАР: 45-75-67, 45-75-58.

ФАКС: 45-75-23.

● Меҳригиё

ЕТИМ БОШИН СИЛАБ

Рашида опа савобли ишлардан қолмайди. Тўй-маъракаларда аёлларга бошқош. У ўрта мактабни тугатиб, Дўстлик туманидаги Қ. Раҳимов номли давлат хўжалиги алоқа бўлимида, кейин Арнасой тумани электр алоқа боғламасида ишлади.

Унинг ўзига хос хислати бор. Болажон. 1988 йили туғруқхонадан бир мурғакни ўз тарбиясига олганди. Яхши ният билан уни Фарҳод деб атади. Оқ ювиб, оқ таради. Орадан икки йил ўтиб, яна бир гўдакни бағрига олди. Шу тариқа Фарҳод билан Маратни ўз фарзанди Умидадек кўриб, меҳр билан тарбиялай бошлади.

— Дунёда оналик номига иснод келтирувчи кимсалар ҳам бўлади,— дейди Рашида опа Ёдгорова.— Ҳаёт шундай экан. Биров бағридан узилган ялғоқни ерга отади. Бошқаси эса унга умр бағишлайди. Норасидаларни ташлаб кетиш мусулмончиликда бўлганми? Хуллас, болалик уй бозорлигини унутмайлик. Болаларим билан яйраб ўтирибман. Истиқлолга шукр, бизни унутишаётгани йўқ. Байрам кунлари туман ҳокимлиги, ХДП кенгаши аъзолари бизни йўқлаб туришади.

Ўтабек РАЖАБОВ.

● Халқаро ҳамкорлик

ТЕЛЕФОН УЙҒОТИБ ҚУЯДИ

● ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Айём арафасида фарғоналиклар қувончига қувонч қўшилди. Бу ерда янги замонавий телефон станцияси фойдаланишга топширилди.

Вилоятдаги мавжуд телефон станциялари 60-йилларда қурилган бўлиб, замон талабига жавоб бермай қўйганди. Жанубий Кореянинг «ДЭУ—Корпорейшн» фирмаси Фарғона электр алоқа корхонаси билан ҳамкорликда жаҳон стандартлари даражасидаги «ТДХ—113» типдаги электрон автомат станциялари қурилишини ниҳоясига етказмоқда. Жаъми 50 минг телефон нуқтасига хизмат кўрсатадиган бу станциянинг барча навбати фойдаланишга топширилгач, қулайлик яратилади. Электрон ҳисоблаш машиналари бошқарадиган бу станцияда оддий телефон алоқасидан тортиб, телефон орқали йиғилишлар ўтказиш, ҳеч ким йўқлигида қўнғироқлар рақамини қайд этиб қўйиш, истакка мувофиқ сўзлашувчини бошқа телефонга улаб бериш каби юмушларни амалга оширишга имконият яратилади. Ҳатто хонадон соҳибини талабига мувофиқ уни эрталаблари уйғотиб қўйиш ҳам мумкин бўлади.

Фарғона шаҳрида телефон жиҳозларини ўрнатиш ишлари тугалланди. Ҳозирча 30 минг абонементни улаш, алоқа симларини янгилашга тайёргарлик кетмоқда. Бу билан алоқани бирлашган тизимини вужудга келтириш мумкин бўлади. Шаҳар-қишлоқларга, ҳатто хориж билан алоқа боғлашга имконият яратилади. Айни пайтда Фарғона, Марғилон шаҳарлари телефон тармоқлари бирлашади. Байрам арафасида эса Қўқон ва Марғилон шаҳарларида 10 мингтадан телефон нуқтасига хизмат кўрсатадиган станциялар ишга туширилди. Бундай қулай телефон станциялари Марказий Осиёда илк марта яратилиши.

Алишер ИБОДИНОВ.

• *АЙЁМ ҚУВОНЧЛАРИ*

● Саховат

КЕКСАЛАР КЎНГЛИНИ ОВЛАБ

● АНДИЖОН (мухбиримиздан). Байрам муносабати билан Избоскан туманида ёлғиз, кам таъминланган ҳамда етимесирлар кўнгли овланди.

Туман ҳокими ташаббуси билан амалга оширилган бу хайрли иш баҳонасида кўпчиликнинг кўнгли кўтарилди, хонадонларга шуур кирди. Отахонлар шукрона билдириб, дуо қилишди. Уларга совға тариқасида бир қопдан ун, гуруч, ҳамда ёғ, тўрт метрдан чит улашилди. Туман хўжаликлари ҳам бундай савобга ҳисса қўшишди. Ҳар бир жамоа ўз ҳудудида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронларга совға топшириб, мурувват кўрсатди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

● Қишлоқ қурилиши

ТЎЙГА ТЎЙ УЛАНДИ

● СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Деновдаги 280-машиналашган кўчма жамланма ташкил этилганига 35 йил тўлди. Бу жамоа тўйга тўйни улаб, қўш байрамни нишонлайдиган бўлиб турибди.

Бинокорлар йил бошидан бери тўйларга қўшалоқ туҳфа ҳозирлашга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Улар бош пудрат бўйича 7 ойлик режани ўтган йилги кўрсаткичдан 21 фоизга ошириб бажардилар. Қурувчилар 627 кв. метр уй-жойни байрам арафасида қишлоқ аҳолисига туҳфа қилишди. Янги уйларда ҳовли тўйлари бошланиб кетди. Бинокорлар 312 минг сўмлик соф фойда кўришди.

Абдуғаффор ОДИНАЕВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси маъмурияти филармония бадиий раҳбари Д. Р. Олимовга онаси

Маъсуда КОМИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни «Ўзавтойўл» жамоаси Янгиқўрғон йўл қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси бошлиғи

Яйлов МАҲМУДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Фтизиатрия ва пульмонология илмгоҳи жамоаси Тошкент вилояти сил касалликлари диспансери бош шифокори Ш. Р. Раҳмоновга онаси

Қамарияхон САИДАҲМАДХЎЖА ҚИЗИнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асриддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИҲСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Оқшом бозори» нашраси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Оқшом бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қўқонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: Қурбон АЛИ, Э. ЭСИРГАДИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. тошириллди—22.00 1 2 3 4 5 6.